Бу Аллоҳнинг яратганидир!



09:00 / 13.03.2023 3285

Барча қушларда бош суяк тумшуққа бирлашиб кетган. Аммо қизилиштонда тумшуқ билан бош суяк бир-биридан алоҳида тарзда жойлашгандир.

Шунингдек, у тебранишларни ютадиган, ҳалокатларнинг олдини оладиган махсус амортизатор билан таъминланган. Бу амортизатор тумшуқ билан бош суяги орасидаги қалин тўқимадан иборат. Бу тўқима бошқа қушларда мавжуд эмас. Ўша қалин тўқима (губка) дарахтга зарба бериш пайтидаги ортиқча титрашларни ютади. Ушбу губка машиналарнинг амортизаторидан яхши ишлайди.

Танага ташқаридан ортиқча юкнинг тушиши лотинча g (жи) ҳарфи билан белгиланади.

Космонавтлар космик кемада Ер атмосферасига кираётган пайтда уларнинг танасига 3-4 g оғирликда юк тушади.

Парашютда тушаётган одам парашюти очилган лаҳзада унинг танасига 10 g оғирликда юк тушади.

Энди мана бунга эътибор беринг: қизилиштон тумшуғи билан дарахтга уриб, ковак очаётган пайтда унинг бошига 1000 g оғирликда юк тушади.

Тасаввур қиляпсизми, 1000 g!

Агар инсоннинг танасига шунча юк тушса, инсон парчаланиб кетиши мумкин.

Аммо қизилиштоннинг бошига шунчалик оғир юк, босим тушса ҳам унинг танаси парчаланиб кетиши у ёқда турсин, боши ҳам айланмаяпти.

Буларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг унга ато этган неъматларидир.